

УДК: 0000 (000)

ҲУЖЖАТЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Шавкат РАҲМОНОВ

магистрант

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистан

Аннотация

Мақолада ҳужжатларни сохталаштириш жинояти тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти таҳлилий баён этилган. Унда ҳужжат, штамп, бланка, муҳр ҳамда расмий ҳужжат тушунчалари очиқ берилиб, Жиноят кодексига “расмий ҳужжат” таърифни киритиш таклиф қилинган.

Таянч сўзлар: сохталаштириш, қалбакилаштириш, жиноят, ҳужжат, штамп, муҳр, бланка, расмий ҳужжат, тайёрлаш, фойдаланиш, сотиш, жавобгарлик.

ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ В ВИДЕ ФАЛЬСИФИКАЦИИ ДОКУМЕНТОВ И СУТЬ ЕГО СОДЕРЖАНИЯ

Шавкат РАҲМОНОВ

магистрант

Правоохранительная академия

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье было проанализировано понятие преступления в виде фальсификации документов и суть его содержания. В нем раскрываются понятия документа, штампа, фирменного бланка, оттиска печати и официального документа и предлагается включить определение "официального документа" в Уголовный кодекс.

Ключевые слова: служебный подлог, подделка документов, преступление, документ, штамп, печать, фирменный бланк, официальный документ, изготовление, использование, сбыт, ответственность.

Ҳужжатларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) деганда – била туриб ёлғон ҳужжатни тўлиқ тузиш, шунингдек матн, сон, рақамни ўзгартириш, ҳарфлар, сўзлар, жумлалар, рақамларни тузатиш, уларнинг ўрнини алмаштириш, тозаланган ёки йўқ қилинган жойларга кейинчалик бошқа сўзлар, жумлалар, рақамларни киритган ҳолда ёки бусиз уларни киритиш, қўшиш, тозалаш ва йўқ қилиш орқали асл ҳужжатни тўлиқ ёки

қисман ўзгартириш ҳужжатни қалбакилаштириш ёки сохталаштириш деб ҳисобланади. Ҳужжатнинг қисмларини чиқариб ташлаш ёки ёпиштириш ҳам қалбакилаштириш деб ҳисобланади. У қисман – асл ҳужжатни тузатиш, ёзиб тўлдириш, босиб тўлдириш ёки бошқа йўл билан унга ўзгартиришлар киритиш ёки тўлиқ – буткул сохта ҳужжатни тузиш орқали қалбакилаштирилиши мумкин [10].

Ҳужжатларни сохталаштириш жинояти тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятига тўхталишдан олдин қуйидаги ҳолатларга ойдинлик киритишимиз лозим.

Амалда ҳужжатнинг хилма-хил маънолари мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида, ҳар хил ҳажм ва мазмунга эгадир. Айрим юридик адабиётларда ҳужжат – бу исталган ахборотни моддий етказувчи [7], ахборот мазмунини қайд этувчи [2], юридик ҳолатни тасдиқловчи [5] ҳужжатлардир дейилади.

Худди шундай, Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида “Ҳужжатлаштирилган ахборот (ҳужжат) идентификация қилиш имконини берувчи, реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборотдир” [1] деб кўрсатилган.

Ўзбекистондаги етук ҳуқуқшунос олимлардан М.Х.Рустамбоев эса, ҳужжат – юридик аҳамиятга эга бўлган факт, воқеа, ҳодисани, бирон-бир муайян ҳаракатларни гувоҳлантирувчи ёзма актдир.

Расмий ҳужжат қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– фактик тарафдан у юридик аҳамиятга эга бўлган муайян фактлар ёки ҳодисаларни тасдиқлаши керак. Бу турли тақиқлар, рухсатномалар ва бошқалар бўлиши мумкин;

– у муайян реквизитларга, яъни тегишли шаклга эга бўлиши лозим: бланк, штамп, муҳр, кириш ёки чиқиш рақами, сана, мансаб номи ва тегишли ваколатли мансабдор шахснинг имзоси. Бунда, таъкидлаш лозимки, фирма бланканинг ўзи йўқ бўлиши мумкин. Расмий ҳужжатда энг асосий элементлар ваколатли мансабдор шахснинг имзоси, шунингдек муҳр ёки штамп ҳисобланади [11] деб шарҳланган.

Шунингдек, ҳужжат кенг маънода маълумотлар қайд этилган моддий буюмлар (қоғоз, киноплёнка, фотоплёнка, магнитофон лентаси, перфокарта ва б.). матн, тасвир, товуш ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Мазмунига кўра, ҳужжат илмий-техника ҳужжатлари (мақолалар, китоблар, патентлар, чизмалар, жадваллар ва ҳ. к.), ҳуқуқий ҳужжатлар (қарорлар, фармонлар, шартномалар ва ҳ. к.), бошқарув ҳужжатлари (буйруқлар, кўрсатмалар, қарорлар ва ҳ. к.)га бўлинади.

Шаклланиш манбаига кўра, бирламчи ва иккиламчи (рефератлар, аннотациялар ва ҳ. к.) ҳужжатлар фарқланади. Идора ҳужжатлари тўплами, одатда, кириш, чиқиш ва ички (хизматда фойдаланиш учун) ҳужжатларига бўлинади. Масалан, банк муассасаси ҳужжатлари ичидаги мижозлар банкка тақдим этадиган ҳужжатлар: тўлов топшириқномалари, чек ва бошқалар кириш ҳужжатлари; банк иштирокида расмийлаштириладиган ва мижозларга бериладиган ҳужжатлар эса чиқиш ҳужжатлари ҳисобланади.

Худди шундай, Б.И.Пинхасовнинг фикрича, “ҳужжатлар юридик аҳамиятга молик ҳодисалар ёки фактларни тасдиқлашнинг моддий шаклидир” [6]. Бошқа муаллифлар эса “ҳужжат юридик аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ёки фактларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашга хизмат қилувчи ёзма актдир” [4] деб ёзадилар. Бошқа бир адабиётда эса, “ҳужжат – муайян бир ҳодисани, ҳодисага бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи иш қоғозидир” [9] дейилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, юридик адабиётларда ҳужжат тушунчасига ҳар хил таъриф берилган [3].

Мисол учун Ш.Чўлпиевнинг “Ҳужжатнинг юридик кучи” номли асарида, “Ҳужжат – муайян маънодаги мазмунга эга бўлган, сақлаш ёки ўзгага бериш учун мўлжалланган, босма ёки қўлёзма ҳарфларда, рақамларда белгиларда ёки кодларда ифодаланган бўлади. Қайд қилиш усулига қараб, ёзма, чизма, расм, схемалар ҳолатида, киноматериал, видеокиноматериаллар шаклида; кодланган ахборот сифатида (магнит ленталари, дисклар, хариталар шаклида); ва ҳоказо шаклларда бўлиши мумкин” дейилган [8].

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асослансак, ҳужжат деганда, одатда, қонунда белгиланган шаклда тузилган ва юридик аҳамиятга эга бўлган (шахснинг туғилганлик, маълумот олганлик, никоҳдан ўтганлик, меҳнат стажи каби) фактларни тасдиқловчи, ёзма актлар тушунилади. Ҳужжат суд ишларини юритишда фактларни аниқлаш воситаси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноят ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликда қалбаки ҳужжатни тайёрлаганлик ва ундан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Яъни шахснинг ўзи қалбаки ҳужжатни тайёрламаган, бироқ унинг қалбакилигини била туриб ундан фойдаланган бўлса ҳам у жиноий жавобгарликка тортилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасида, “Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш” жиноят сифатида белгиланган.

Яъни, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мазкур жиноятнинг номланишига эътибор қаратадиган бўлсак, унда хужжатлар, штамплар, муҳрлар ва бланкалар терминлари кўрсатилган.

Шунга кўра, ушбу терминлар нима маънога эга эканлигига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Юқорида айтганимиздек, бу терминлар юридик фанлар доктори, профессор М.Х.Рустамбоевнинг “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар” китобида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, хужжат – юридик аҳамиятга эга бўлган факт, воқеа, ҳодисани, бирон-бир муайян ҳаракатларни гувоҳлантирувчи ёзма актдир.

Штамп – хужжатларни тайёрлашда нусха қолдириш учун хизмат қилувчи айрим матндан иборат бўлган ва қоида тариқасида, корхона, муассаса, ташкилотнинг тўлиқ номи, улар жойлашган манзили, хужжат юборилган санаси, унинг рақами, телефон, факс, манзил ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни акс эттирган босма қолип (бўртма босма тасвир).

Муҳр – корхона, муассаса, ташкилот ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номини акс эттирган ва зарур ҳолларда расм билан тўлдириладиган

матннинг бўртма, тескари (рельефли ёки ўйма) тасвирдан иборат бўлган ва қоғозда, сақичда, пластилинда ёки бошқа материалларда нусха қолдириш учун хизмат қилувчи, қоида тариқасида, доира шаклига эга бўлган асбоб (босма қолип). Штампнинг босмасидан фарқли ўлароқ, муҳрнинг босмасига тузатиш ва қўшимчалар киритиш мумкин эмас. Муҳрларнинг

алоҳида турини марказига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби туширилган доира шаклига эга бўлган гербли муҳрлар ташкил этади.

Бланка – бу бурчак ёки марказида штамп босмаси туширилган ёки исталган усулда штамп матни босилган ёки бошқа матнли (матнли расм) бўлган ҳамда ҳужжатни тайёрлаш учун фойдаланиладиган қоғоз варағи (лицензия, паспорт, гувоҳнома, сўровнома, ариза ва бошқалар бланкаси) ёки айрим шаклдаги жузланган китобчалар (паспорт, ҳарбий билет ва бошқалар бланкаси).

Бланклар орасида қатъий ҳисобдаги бланкалар ажралиб туради, улар алоҳида тартиб рақами (серияси), махсус фойдаланиш режимига эга бўлиб, ЖКнинг 228-моддасида кўрсатилган жиноятнинг предметиға фақат қатъий ҳисобдаги бланкалар киради.

Қатъий ҳисобдаги бланка – қисман ёзилган матндан иборат бўлган ва лозим бўлган, фойдаланиш махсус (ёки махфий) режимига (диплом, меҳнат дафтарчалари бланкалари) ҳамда фойдаланиш режимидан чиқаришнинг алоҳида шартларига (уларни йўқотиб қўйиш, талон-торож қилиш, уларға шикаст етказиш ва ҳоказо ҳолларда) эга бўлган қоғоз варағи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасида кўрсатилган жиноятнинг объекти юридик аҳамиятға эга бўлган фактларни ҳужжатлар билан тасдиқлашнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот олиб борилаётган жиноятнинг предмети эса муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалардир.

Шунингдек, ЖК 228-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг объектив томони сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда

корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотишда ифодаланади.

Ушбу модда диспозициясидаги *тайёрлаш* деганда, асл ҳужжатларнинг, корхона, муассаса, ташкилот асл штамплари, муҳрлари, бланкаларининг нусхаларини ғайриқонуний тайёрлаш ёки уларни аслида мавжуд бўлмаган юридик шахс ёки фуқаролар номидан норматив ҳужжатларда ўрнатилган талабларни бузган ҳолда тайёрлаш, шунингдек айтиб ўтилган предметларнинг шакли ва мазмунига уларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирувчи тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва ҳоказоларни киритиш тушунилади.

Расмий ҳужжатни корхона, муассаса, ташкилот штамп, муҳри, бланкасини *қалбакилаштириш* деганда, қўшиб ёзиш, ўчириш, асл ҳужжат, штамп, муҳр, бланканинг бир қисмига тузатишлар киритиш ёки уни йўқ қилиш ҳамда қўшимча маълумотларни киритиш орқали асл ҳужжат, штамп, муҳр, бланка мазмунининг бир қисмини ноқонуний ўзгартириш, бошқа шахс учун имзо қўйиш, қалбаки штамп ёки муҳрни босиш ёхуд бутунлай қалбаки (сохта) жиноятнинг предметини тайёрлаш (масалан, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бланкасини тайёрлаш) тушунилади.

Расмий ҳужжатни, корхона, муассаса, ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини сотиш – бу қайд этилган жиноят предметларини уларни тайёрлаш ёки қалбакилаштириш жиноятининг бажарувчиси ёхуд бошқа шахс томонидан олди-сотди, алмаштириш, ҳадя қилиш, бирон-бир хизматлар учун ҳақ тўлаш ёхуд уларни ҳар қандай бошқа усулда пулга ўтказиш орқали реализация қилишдир.

Қалбаки ҳужжат, штамп, муҳр, бланкаларни сотаётган шахс уларнинг қалбакилаштирилганлиги тўғрисида хабардор бўлиши шарт, акс ҳолда у мазкур ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилмайди.

Ўрганилаётган жиноят жиноятнинг предмети тайёрланган ёки қалбакилаштирилган ва бунда қалбакилаштирувчи ўзи ёки бошқа шахснинг

улардан фойдаланиш мақсади аниқланган пайтдан бошлаб ёхуд мазкур предмет сотилган вақтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Субъектив томондан тадқиқ қилинаётган жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор расмий ҳужжат, корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини тайёрлаётгани, қалбакилаштираётгани ёки уларни сотаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди.

Қилмишни квалификация қилишда жиноятнинг предметида фойдаланиш мақсадларини аниқлаштириш катта аҳамиятга эга. Тайёрлаш ёки қалбакилаштиришнинг мақсади аниқланмаган тақдирда, ЖКнинг 228-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади. Сотишга нисбатан мақсад йўқ бўлиши ҳам мумкин. Кўрсатилган предметларни сотиш учун жавобгарлик, айбдор сотиш натижасида эришмоқчи бўлган мақсадга эришган-эришмаганлигидан қатъи назар келиб чиқади.

Жиноятнинг *субъекти* 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

ЖК 228-моддасининг 2-қисмида:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб кўрсатилган ҳаракатлар содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш ЖК 228-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни ташкил этади.

Яъни, *Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш* – бу айбдорнинг ушбу ҳужжатдан келиб чиққан ҳуқуқларга эга бўлиш ёки мажбуриятлардан озод бўлиш учун қилган ҳаракатларидир. Фойдаланиш сиртдан қалбаки ҳужжатни намоиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифода этилиши мумкин.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиш жиноий натижа юзага келишидан қатъи назар, иш

ҳолатларига қараб фирибгарлик ёки фирибгарликка суиқасд қилиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

ЖК 228-моддасининг 3-қисмида кўзда тутилган жиноят айбдор хоҳлаётган ҳуқуқларга эга ёки мажбуриятлардан озод бўлганлигига қараб қалбаки эканлиги аён бўлган ҳужжатдан фойдаланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий элементи шундан иборатки, айбдор қалбаки ҳужжат билан бирон-бир ҳаракат содир этишдан олдин унинг қалбаки эканлиги тўғрисида хабардор бўлиши шарт.

Тадқиқ қилинаётган модданинг диспозициясида, “сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган *расмий ҳужжатлар* тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш деб белгиланган бўлиб, бу ҳолатда ҳужжатнинг расмий ҳужжат бўлиши кўрсатилган.

Бундай ҳолатда *расмий ҳужжат нима* эканлигига аниқлик киритишимиз лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги Низомда расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва топшириш тартибини белгиланган.

Хусусан, Низомнинг 3-бандига асосан, расмий ҳужжатлар бланкалари, шу жумладан бунга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган

матбаа корхоналари томонидан “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилган, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари бўлган махсус қоғозда тайёрланиши кўрсатилган.

Низом иловасида эса Расмий давлат ҳужжатлари рўйхати кўрсатилган бўлиб, улар:

I. Давлат гербли гувоҳномалари:

1. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома.
2. Никоҳдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома.
3. Никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома.
4. Вафот этганлик тўғрисида гувоҳнома.

II. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти.
2. Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасида яшашга рухсатнома.

III. Ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари:

1. Чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси.
2. Ҳарбий билет.
3. Офицернинг шахсий гувоҳномаси.
4. Захирадаги офицернинг шахсий гувоҳномаси.

IV. Маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар:

1. Тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома.
2. Ўрта маълумот тўғрисида аттестат.
3. Ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус

профessional таълим тўғрисида диплом.

4. Олий маълумот тўғрисида диплом.
5. Фан номзоди ёки доктори дипломи.

V. Ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятлардан озод қилувчи ҳужжатлар:

1. Меҳнат дафтарчаси.
2. Ҳайдовчилик гувоҳномаси.
3. Ногиронлик гувоҳномаси.

4. Уруш қатнашчиси гувоҳномаси деб кўрсатилган.

Лекин амалиётда, мисол учун муайян ҳуқуқ берувчи, нотариус томонидан тузилиб, тасдиқланадиган олди-сотди, ҳадя, васиятнома ва шу каби мулкӣ муносабатларни келтириб чиқарадиган шартномалар, ишончномалар, ҳокимлик қарорлари, кадастр ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни ҳам қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш ҳам жинойт жавобгарликни келтириб чиқарса-да, бу каби ҳужжатлар юқорида кўрсатилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова қилинган “Расмий ҳужжатлар” рўйхатига киритилмаган.

Шунга кўра, қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Жинойт кодексининг 8-бўлими (Атамаларнинг ҳуқуқӣ маъноси)га “Расмий ҳужжат” деган атаманинг таърифини қўшиш:

“Расмий ҳужжат” – ҳуқуқӣ аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари (штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами) мавжуд бўлган муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган ёзма ҳужжат.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2000 йил 25 июль 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг иловасидаги “Расмий давлат ҳужжатлари рўйхати”нинг V-бандидаги “Ҳуқуқ берувчи ёки мажбуриятлардан озод қилувчи ҳужжатлар” рўйхатига “Давлат идоралари томонидан бериладиган муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган барча ёзма ёки электрон ҳужжатлар” деган жумлани киритиш таклифини берамиз.

Худди шундай, айнан қандай ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки сохталаштириш жинойт эканлиги белгилаб қўйиладиган ягона рўйхат тасдиқланиши мақсадга мувофиқлиги таклифини берамиз. Ушбу фикрга

қўшимча равишда расмий ҳужжатни тайёрлаш тушунчасига ҳам қонунчилигимизда аниқ ва ягона таъриф белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахборотлаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004 йил 1-2 сон, 14-модда.
2. Алёхин А.П., Козлов Ю.М. Сущность и основные институты административного права // Административное право Российской Федерации. – Москва, 1995. – 181 с.
3. Верин В.П. Преступления в сфере экономики. – Москва: Дело, 1999.
4. Курс советского уголовного права. В 6 т. – Москва: Наука, 1971.
5. Поленов Г.Ф. Ответственность за похищение, подделку документов и их использование. – Москва, 1980. – 447 с.
6. Пинхасов Б.И. Подлог документов. – Ташкент: Фан, 1969.
7. Собрание законодательства Российской Федерации. – Москва, 1995.
8. Чўллийев Ш. Ҳужжатнинг юридик кучи // Ҳаёт ва қонун, 2005. – №4 (103). – Б. 62-63.
9. Юридическая Энциклопедия. – Москва: Юристъ, 2001. – 283 с.
10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 11 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) махсус қисм: /М.Х.Рустамбоев. – Тошкент: Адолат, 2016.